*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 57 (3558)
ЖУМА
10 МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *22 апрель — коммунистик шанбалик куни*

## МЕҲНАТ БАЙРАМИ МАРОМИДА

Республика пойтахтининг тракторсозлари В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигини зарбдор меҳнат билан кутиб олишга аҳд қилдилар. Ўша куни ишчилар билан бирга инженерлар, завод ветеранлари ҳам дастгоҳлар ва конвейерлар ёнида туриб ишлайдилар. Улар ўнлаб тракторлар, минг сўмлик бошқа маҳсулот чиқарадилар. Донгдор ишчилар — пармаловчи Анна Фигушина, созловчи Муҳаммаджон Туробов, электр пайвандчи Нина Иванова «қизил шанбалик» кунини энг юқори меҳнат унумдорлиги билан мўлжаллаб турибдилар. Корхонанинг юзлаб меҳнаткашлари улардан ибрат олиб, 22 апрель куни смена топшириқларини бир ярим-икки баравар ортиғи билан бажарамиз деб сўз бердилар.

## ТЕЖАЛГАН ЭНЕРГИЯ ҲИСОБИГА

Тошкент лак-бўёқ заводи коллективи йил бошидан буён юз минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолди. Бу — ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, тежамкорликни кучайтириш натижасидир. Шу туфайли 22 апрель куни тежаб қолинган электр энергия ҳисобига ишлашга қарор қилинди. Корхонанинг 900 дан ортиқроқ ишчиси меҳнат байрамига чиқади. Улар ўша куни 283 тонна лак, бўёқ, эмаль, пигмент чиқариш мажбуриятини олдиларни, бу қарийб бир ярим кунлик топшириққа тенг келади. (ЎзТАГ).

*Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади*

# УРАЛДАН ТОШКЕНТГАЧА

Уралдаги қурилиш ташкилотларининг илғорлари бошлаган «Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади» ватанпарвалик ташаббуси КПСС XXV съездида белгилаб берилган улкан вазифаларни муваффақиятли адо этишга қаратилган бўлиб, уни тошкентлик қурувчи ва монтажчилар ҳам бир овоздан қўллаб-қувватлашди. Бундан бир неча кунлар илгари ташаббусга пойтахтимизнинг беш нафар энг яхши бригадаси қўшилган бўлса, ҳозир уларнинг сони ўнларчадир. Пойтахтнинг барча қурилиш ва монтаж ташкилотларидаги бригада коллективлари беш йиллик план топшириқларини кам ишчи кучи билан бажаришга, энг малакали бинокорларини бошқа қолоқ участкаларга ўтказишга, у ерларда ҳам планларни адо этилишини таъминлашга қарор қилишиб, зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олишмоқда.

«Ташсантехгаз м о н т а ж» трестида свердловскликлар ташаббусини оммалаштиришга бағишланган бригада етакчиларининг муваффақиятли бажаришга ўз ҳиссасини қўшади.


1-монтаж бошқармаси трестнинг йирик бўлинмаларидан ҳисобланади. Бошқарма бу йил 4 миллион 250 минг сўмлик иш бажариб. меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 процентга ўстиришга қарор қилган. Свердловскликларнинг ташаббуси асосида иш олиб борилиши туфайли бу топшириқ ҳам албатта уддаланади. Бошқармадаги бригадалардан 30 нафар мутахассис бўшатилиб, улардан махсус янги бригада тузилади. Ишчи кучларининг бундай тақсимланиши албатта коллективда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашни, злобинчилик методини кенг ёйишни талаб этади.

Уралликларнинг ташаббуси трестнинг бошқа бошқармаларида ҳам қувватланди. Слётда 2-монтаж бошқармасининг Р. Ким ва В. Павлов, 3-монтаж бошқармасининг Н. Киселев ва Н. Гладков, хўжалик ҳисобидаги участканинг А. Доронин. «Газмонтаж» монтажлаш бошқармасининг А. Гулматов сингари бригада бошлиқлари шу хусусида сўзлашди.

Бу ишлаб чиқариш илғорлари ўзлари раҳбарлик қилаётган бригадалар СССР Конституцияси қабул қилинган кунгача беш йиллигининг уч йили планларини бажаришга қарор қилишганлигини айтишди. Александр Доронин бошлиқ бригада коллективда кам ишчи кучи бўлишига қарамасдан, йиллик планни муддатидан илгари 25 декабрда бажариб. 800 погон метр канализация қувурларини тежашга ва планга қўшимча 24 хонали уйни монтажлашга аҳд қилди.

— Бригадалардаги етакчи мутахассисларнинг бошқа кучсиз коллективларга ўтказилиши, — деди слётда трест бош инженери Б. Лебедев, — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида алоҳида эътибор берилганидек, янги қувватларни тезроқ ишга тушириш, ишчи кучларини фойдаланишга топириладиган объектларга тўпланишда катта роль ўйнайди.

Беш йилликнинг учинчи йилида «Ташсантехгаз м о н т а ж» трести 15 миллион 250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириши, «Главташкентстр о й» билан биргаликда 762,8 минг квадрат метр уй-жой, тўққизта мактаб, 24 та болалар боғчаси биноларини фойдаланишга топшириши керак. Агар илғор бригадалар биттадан малакали ишчиларини кучсиз коллективларга ўтказса, ҳамма бригадалар планларини бажаришга эришса, трест зиммасидаги вазифасини уддалаши шак-шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам трестда свердловскликларнинг ватанпарварлик ташаббусини бригадалар ўртасида кенг ёйишга катта эътибор берилмоқда.



«Узсельхозтехника»нинг тажриба-ремонт механика заводида кўплаб комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Ушбу фотолавҳада гидропресс цехининг илғор йигувчиси слесарь Алик Ханни кўриб турибсиз. У смена топшириқларини 120—130 процент адо этиб, ҳамнасбларига ўрнак бўлмоқда.

## БУЮРТМА — ЎЗ ВАҚТИДА

«Ташхимсельм а ш» заводининг коммунист В. Люценко бошлиқ 18-цехи коллективи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида қишлоқ меҳнаткашларига ўзгапоя юладиган 4 минг 500 та агрегат етказиб бериш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат муддатидан илгари бажарди.

**БУГУН**

**корхона коллективининг йил бошидан бери пахтакор хўжаликларга жўнатган машиналари 750 тага етди.** Шундай қилиб, коллектив маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича икки ойлик планни

Цех пайвандчилари В. Гончаров, Г. Ситбатуллин, тунука кесувчи Б. Охунжонов, смена топшириқларини 130—140 процент бажаришга, буюртманинг ҳаммасини биринчи тақдимда топширишга муваффақ бўляптилар.

Цехда кейинги пайтларда қўл кучи билан бажариладиган ишларни механизациялаш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, ҳозир бу ерда пайвандлаш ишларининг 90 проценти автоматлаштирилган.

## Республикамиз пойтахтида

### Кеча

**2-маршрут таксилар автомобиль корхонасининг адресига яна бешта кичик автобуслар олинди. Бу машиналар «Тошкент» меҳмонхонаси ва студентлар шаҳарчаси бўйлаб қатновчи —9-маршрутга қўйилади.**

Ана шу маршрутнинг ҳайдовчилар коллективи автомобиль корхонасида анча вақтдан бери пешқадамлик қилишмоқда. Бу коллектив меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари эвазига «Намунали хизмат маршрути» деган номни олишга сазовор бўлган. Коллектив ойлик топшириқни 110— 115 процентдан бажармоқда.

### Бугун

**«Компрессор» заводининг меҳнат аҳли озодлик ороли — Куба республикасининг буюртмасини бажаришга киришди. Бу мамлакат учун «ПР — 10М» маркали компрессорларнинг 20 таси тайёрлаб жўнатиладиган бўлди.**

Машинасозлар ўз маҳсулотини чет мамлакатларга экспорт қилиш бўйича бу йилги топшириқларни муваффақиятли бажаришга киришдилар.

Болгария Халқ Республикасининг халқ хўжалиги корхоналарида Тошкент компрессорлари унумли ишламоқда. Бу қардош мамлакат корхона машинасининг йигирматасини сотиб олди. Бундан ташқари Польша Халқ Республикаси ҳам компрессорларнинг бир партиясини сотиб оладиган бўлди.

**Шаҳар ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчилари ва мастерларидан 120 киши Бутуниттифоқ ҳунар-техника билим юртлари инженер-педагог ходимлари малакасини ошириш институтининг Тошкент филиалини тугатдилар.**

Улар малака ошириш вақтида КПСС нинг XXV съезди қарорлари асосида мамлакатимизда ҳунар-техника таълимини йўлга қўйилиши масалалари билан атрофлича танишдилар.

**Тошкент шаҳар китоб савдоси ходимларининг бўлиб ўтган актив йиғилишида ўтган йили аҳолига кўрсатилган китоб савдоси хизмати ва бу йил амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида гапирилди.** Шаҳар китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи В. Толибов ўзининг ҳисобот докладида кейинги пайтларда китоб савдоси ишида пайдо бўлган бир қатор тадбирлар ва илғор тажрибаларни айтиб берди.

Шаҳар китоб савдоси ходимлари ўтган йили аҳолига 4 миллион 712 минг сўмлик адабиётлар тарқатдилар. Бу йил бу рақам янада ошади. Ўтган йили иккита ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазини очилган бўлса, бу йил Тошкент медицина институтининг янги шаҳарчасида ана шундай магазин хизмат кўрсатабошлайди.

Китоб савдоси ходимлари ўз зиммаларига олган йиллик мажбуриятда йиллик савдо планига қўшимча равишда 300 минг сўмлик савдо қилиш, ўнта илғор магазин коллективи йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллигига бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар баён қилинган.



СУРАТДА: ҳалқа йўли бўйлаб Октябрь массивида қад кўтарган янги турар жой бинолари.

### Эртага

**Ватанимиз пойтахти — Москва остонасида немис-фашист қўшинлари Совет Армияси томонидан улоқтириб ташланганлигининг йиллиги муносабати билан шаҳримиздаги бир қатор маданият уйларида тантанали йиғилишлар, учрашувлар, тематик кечалар ўтказилади.** Куйбишев районидаги Куйбишев номли маданият уйида тайёрланган тематик кеча ана шу воқеага бағишланган. Бу ерга Москва мудофаасида қатнашган Улуғ Ватан уруши ветеранлари таклиф қилинган. Улар йиғилганларга буюк жасоратнинг шон-шуҳратлар билан безанган саҳифалари ҳақида гапириб берадилар.

Киров районидаги Абдулла Қодирий номли маданият уйида ўтказилган тадбир ҳам ана шу воқеага бағишланди. Унда Муса Мирзаевнинг ҳикояси мароқ билан тингланди. Шундан кейин маданият уйининг балний ҳаваскорлари ватанпарварлик мавзусида яратилган музика асарлари асосида концерт беришди.

**Пойтахтимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган Куба республикасининг ёшлари ажойиб ибратли тадбирни бошладилар.** Улар озодлик оролида ўтказиладиган халқаро ёшлар ва студентлар фестивали олдидан махсус программали концерт репертуарини тузадилар. Бу концерт эртага тўқимачилик ва енгил саноат институтининг клубида ижро этилади. Концертдан тушадиган маблағ халқаро фестиваль фондига ўтказилади.

Концерт программасидан совет ва Куба композиторларининг қўшиқлари ўрин олган.

# Интилганга толе ёр

Тошкент тўқимачилик комбинати 3-йигирув фабрикаси йигирув цехининг Люба Хегай бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи Узбекистон комсомолининг XXI съездини ўнинчи беш йиллигининг уч йили планини бажариш билан кутиб олди. Эндиликда бригада аъзолари москвалик ва ленинградлик илғор коллективларнинг ташаббусига қўшилиб, СССР Конституциясининг бир йиллигига қадар 3,5 йиллик топшириқни бажариш учун интилишяпти.

Бригада коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини 2,5 йиллик топшириқни адо этиш билан кутиб олиш ташаббуси билан чиқан, бу ташаббус Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети томонидан маъқулланганди. Комсомол-ёшлар ваъдага вафо қилишди. Октябрь юбилейигача 2,5 йиллик топшириқни бажариб, планга қўшимча 158 тонна юқори сифатли калава тайёрлашди. Коллектив мана шу меҳнат галабаси туфайли Ленин комсомолининг Улуғ Октябрь 60 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетига йўллайдиган галаба рапортига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлди. Бригада бошлиғи Люба Хегай эса республиканинг кўплаб зарбдор комсомол-ёшлари қаторидан сафсонавий «Аврора» крейсерида суратга тушиш шарафига муяссар бўлди.

Ҳозир бригаданинг Озода Каримбердиева, Валя Корнилова, Клавдия Ананьева, Катя Бинфет каби комсомол-ёшлари смена топшириқларини 125— 130 процент бажариб, фаҳат биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ёшлар бунга илғорлар тажрибасини кенг ўрганиш, узлари тополи ўлашнинг илғор усулларини жорий этиш, йигирув машиналарининг бетўхтов ишлашини таъминлаш орқали муваффақ бўлмоқдалар.



«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи кўплаб кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқармоқда. Ушбу суратда корхона тўқув цехининг зарбдор ўровчиси, меҳнат ветерани Раиса Муслимовани кўриб турибсиз. У кунлик топшириқларини эпдаси билан адо этиб, коллектив ҳурматини қозонмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Узбекистон республика IV съездининг делегатларини ва улар орқали республикадаги барча ихтирочилар ва рационализаторларни, ишлаб чиқариш новаторларини қизғин ва самимий табриклайди.

★ Узбекистон новаторлари — ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти аъзоларининг 160 минг кишидан ортиқ отряди вакиллари 9 март куни Навоий номли театрда республика IV съездига йиғилдилар.

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Узбекистон республика кенгашининг раиси М. Н. Рустамов ҳисобот доклади қилди.

Съезд республика жамиятининг раҳбар органларини сайлади.

★ Узбекистон Компартияси Марказий Комитети мактабларни, мактабдан ташқари ва мактабгача болалар муассасаларини янги 1978 — 1979 ўқув йилига тайёрлаш соҳасида Тошкент область Бекобод райони халқ маорифи ходимлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари коллективларининг ташаббусини маъқуллади.

# ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

1977 йил республика социалистик мусобақаси якунига кўра Тошкент шаҳар Ҳамза райони халқ хўжалиги планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда юксак кўрсаткичга эришганлиги учун Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, республика касаба союзлари комитети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда дипломи билан тақдирланди.

Район индустрияси ходимлари 18 декабрдаёқ 1977 йил давлат планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт берган эдилар. Шунингдек планга қўшимча 36.551 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинганди. Бу мажбуриятда кўрсатилганлардан бир мунча кўп эди. Юбилей йилида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 12,5 процентга ўсди. Шу билан бирга ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 80 процентдан ортиғига меҳнат унумдорлигини ўстириш туфайли эришилди. Пландан ташқари олинган фойда 4.8 миллион сўмни ташкил этди, 22 та янги хил буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 16 хил буюм эса Давлат Сифат белгисига сазовор бўлди.

Кеча Ҳамза район партия комитети қошидаги мажлислар залида районга кўчма Қизил байроқни топширишга бағишланган тантаналн йиғилиш бўлиб ўтди. Узбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев байроқни топширар экан, ҳамзаликларни юксак мукофот билан қизғин табриклади ва уларга КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун кураши янада авж олдириш тўғрисидаги Мактубида кўрсатилган қонда ва хулосаларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Пигилишда сўзга чиққан Ҳамза райони меҳнатчилари Узбекистон КП Марказий Комитетининг берган бу юксак баҳосига қизғин миннатдорчилик билдиришиб, топширилган байроқ ўнинчи бешйилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ғайратимизга — ғайрат қўшади, деб айтдилар.

Шу куни Узбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг биринчи ўринбосари И. Б. Ипоятов 1977 йилда план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда юқори кўрсаткичларга эришган Узбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг Тошкент экспериментал енгил металл конструкциялари заводи коллективига ҳам Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, республика касаба союзлари комитети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди.

## СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР УЧУН

«Гордорстройремонт» трестининг шаҳримизни ободонлаштиришдаги хизматлари катта. Коллектив ўтган йилги социалистик мажбуриятни муваффақият билан адо этди. Бош пудрат планни 110,6 процент адо этилди. 1 миллион 600 минг квадрат метрга яқин йўлга асфальт ётқизилди. Аҳмад Дониш, Жаҳон Обидова, Шолохов кўчалари фойдаланишга топширилди. Метро станцияларига олиб борувчи йўлларда ободончилик ишлари бажарилди.

1977 йилги социалистик мусобақада ўлкан муваффақиятларга эришганлиги учун трестга Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. «Гордорстройремо н т» трести коллективига юксак мукофотни Ленин район партия комитетининг биринчи секретари И. Н. Федоринов топширди.

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-27» — «СОЮЗ-28»

## ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ УЧМОҚДА

**УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 9 март. (ТАСС). Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» орбитал илмий тадқиқот комплексининг ичида 6 кундан бери халқаро экипаж ишлаб турибди. Эрталаб соат 8 да бошланган бугунги кун программасига мувофиқ космонавтлар Юрий Романенко, Георгий Гречко, Алексей Губарев ва Владимир Ремек бир-галикдаги илмий-техникавий тадқиқот ва экспериментларни поёнига етказмоқдалар.**

Экипажнинг маълумотларига кўра, «Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» орбитал комплексининг борт системалари нормал ишлаб турибди. Романенко, Гречко, Губарев ва Ремек ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

## ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИГА — СИФАТ БЕЛГИСИ

«17ХВ — 1,8Б» маркали пахта териш машинасига Давлат Сифат белгиси берилди. Бу икки қаторли агрегат кенг қаторлардаги пахтани териш учун мўлжаллангандир. Бу агрегат «Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқараётган машиналар орасида биринчи бўлиб Давлат Сифат белгисига сазовор бўлди.

Мамлакат пахтакорлари беш йилликнинг учинчи йилида «17ХВ—1,8Б» маркали 2500 та машина оладилар. (ЎзТАГ).

# ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИГА ЗИД ИШ КЎРМОҚДАЛАР

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Якинда Солсберида имзоланган битим Родезия проблемасини чинакам ҳал этиш истиқболларини мушкуллаштиради, Африкада халқаро кескинликнинг янги хатарли ўчоғини вужудга келтиришга замин тайёрлайди.

Бунда гап оқ танли ирқчилар ҳукуматининг «ички аҳволни тартибга солиш» планига мувофиқ ҳокимиятни қора танлиларнинг вакилларига қолбаки топшириш кўзда тутган битим тўғрисида боряпти. Бу планни бош министр Я. Смит ва ҳеч кимнинг вакили бўлмаган африкалик хоин раҳбарлар Музорева, Ситоле ва Чираулар Англия ва АҚШнинг розилиги билан ишлаб чиқишди. Солсберида бу битим тезроқ тузилганлигининг боиси шуки, унинг ташкилотчилари Родезиянинг келажагини ҳал этишда африкалик кўпчиликнинг чинакам вакиллари бўлмиш Зимбабве ватанпарварлар фронтини қатнаштирмасликка интилмоқда лар.

Битимга мувофиқ яқин бир неча ҳафта ичида Солсберида «ички маъмурият» — ижроия кенгаши вужудга келтирилади. Бу кенгашда Ян Смит ва африкалик уч раҳбар галма-гал раислик қилади. 31 декабрга бориб мамлакатдаги ҳокимият расмий равишда қора танлилар қўлига топширилади. Лекин ҳокимият амалда ок танли озчилик қўлида қолади. Бунинг боиси шуки, ирқчилар маъмурий аппаратни, полицияни ва қуролли кучларни назорат қилиб турадилар. Ок танли депутатлар қонун чиқарувчи органларда африкаликларнинг ҳар қандай ташаббусини тақиқлаб қўйишлари мумкин.

Империалистик давлатлар ирқчиларнинг Родезияда «ички аҳволни тартибга солиш» планини қўллаб-қувватлаб, бу мамлакатда ўз позицияларини сақлаб қолишга умид боғламоқдалар ва «қора танлилар ҳукуматининг ниқоб қилиб олиб, Солсбери ирқчилар режимига қарши кўриладиган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга эришмоқчи. Лондон ва Вашингтоннинг Родезияга доир ўз плани дарҳол воз кечганлиги ва Я. Смит томонидан ишлаб чиқилган битимни қўллаб-қувватлаганлигининг боиси ҳам шу.

Африкалик кўпчилик чинакам мустақиллик учун курашаётган Зимбабве ватанпарварлар фронтини қўллаб-қувватламоқда. Ана шу кўпчиликнинг хоҳиш-иродасига хилоф бўлган янги мустамлакачилик режимини Родезияда вужудга келтириш йўлидаги уринишлар тинчликни жиддий хавф остида қолдиради. Ватанпарварлар фронтининг раҳбарлари Смит ва унинг қўл остидаги қўғирчоқларининг ғайри қонуний режимига қарши қуролли курашни кучайтиришга ғалаба қозонгунча бу курашни давом эттирамиз, дедилар. Триполида бўлиб ўтган сессия қатнашчилари ана шу принципиал позицияни қўллаб-қувватладилар. Шу сессиянинг иштирокчилари Африкадаги озод мамлакатлар номидан гапириб, Зимбабве озодлиги учун курашаётган ватанпарварлар фронтига кўпрок ёрдам беришга аҳд қилганликларини таъкидладилар.

Зимбабведаги африкалик халқ манфаатларига хилоф равишда Солсберида тузилган битим Африкада мустамлакачилик ва ирқчиликнинг сўнгги ўчоқларини даркол тугатиш учун курашаётган мустақил мамлакатларга нисбатан қилинган янги даг-дагадир. Родезиядаги қокимият Зимбабве ватанпарварлар фронти қўлига топширилган тақдирдагина бу мамлакатга доир проблемани халқ ва тинчлик иши манфаатларини кўзлаб ҳал этиш мумкин.

С. КУЛИК,
ТАСС шарҳловчиси.



Штатсиз фотомухбирларимиз И. Глауберзон ва В. Сироткин яқинда «Узбектекстильмаш» техника ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб, бир қатор илғорларнинг суратини олиб қайтишди. Ушбу фотолавҳада шу корхонанинг эксперимент цехи фрезерчиси Мамадали Қосимов тасвирланган. Мана 25 йилдирки, ўз касбининг устаси Мамадали Қосимов тўқимачилик машиналари учун сифатли деталлар тайёрлаб беряпти. Пешқадам ишчи ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан бажарибгина қолмай, балки жамоат ишларида ҳам актив иштирок этади. У халқ депутатлари Фрунзе район Советининг депутатидир.

**Коммунист ўйлари**

# ТЎПЛАНГАН ТАЖРИБА АСОСИДА

Цехимиз коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этмоқда. Бунда бултур эришилган муваффақиятлар, корхонамиз коллективи тўплаган бой тажриба асос бўлмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида «Социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш, унинг таъсирчанлигини ошириш — партия, совет, хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим бурчидир», дейилади. Корхонамизда Мактуб асосида кенг тадбирлар плани ишлаб чиқилди.

Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига ўтказилган мусобақада тўпланган тажрибадан кенгроқ фойдаланишни режаладик. Цехимизнинг бир бригадаси Улуғ Октябрь 60 йиллиги номидаги бригада деб аталиш ҳуқуқини олган. Бундай бригадалар сони корхонамизда 10 тадир.

Илғорлар тажрибаси ҳақида гап борганда машҳур электрослесарлар бригадири Николай Железнов, тепловоз цехи мастери Тўланбой Ҳидиралиев ва бошқа ўнлаб кишиларни кўз олдимизга келтирамиз. Уларнинг мақсади фақат самарали ва сифатли ишлашгина эмас, шу билан бирга бу коммунистларнинг ўзгу орзуси муносиб ишчи ўринбосарлари тайёрлаш ҳамдир. Социалистик мусобақанинг мана шу ахлоқий томонига эътибор кучайтирилаётгани бежиз эмас. Бу янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг бирдан-бир йўлидир. 2-цех партия ташкилоти мусобақанинг тарбия мактаби бўлишига алоҳида эътибор бермоқда.

Мусобақа таъсирчанлигига эришиш, илғорлар муваффақиятларини оммалаштириш муҳим роль ўйнайди. Оператив махсус варақалар, илғорларнинг муваффақиятлар и н и ҳикоя қилувчи «Чақмоқлар»нинг б у н д а аҳамияти катта. СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Партия ташкилоти мусобақани ташкил этишга жонли, ижодий иш сифатида қарамоқда. Унинг янги-янги формаларини топишга интилмоқда.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати, «Ўз касбининг устаси», «Моҳир қўллар», «Ишлаб чиқариш участкасининг энг яхши мастери» номларини олиш учун мусобақалар яхши самара беряпти. Шуниси қувончлики, бу мусобақанинг бу шаклдари конкрет мақсадга қаратилган, коллективни янги марралар сари сафарбар этяпти.

Корхонамиз коллективининг планга қўшимча 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгилаган режасини ҳеч сўзсиз адо этиш учун Я. Деркач, Г. Усмонов сингари илғорлар тажрибасини ўрганиш ҳамда оммалаштиришга, мусобақанинг таъсирчанлигини оширишга интилямиз.

**Р. УЗОҚОВ,**
**Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводи 2-механика цехи партия ташкилотининг секретари.**

*БОШ МУХБИРИМИЗДАН*

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

# ХАТЛАР

## ТЎПЛАНГАН ТАЖРИБА АСОСИДА

„Турист» ишлаб чиқариш комбинатида юзлаб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Корхона ўтган йилги маҳсулот реализация қилиш планини 153 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 160,9 процент адо этди. Корхонада асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари нақадар тез суръатларда ривожланаётганлигини биргина факт билан ифода этишнинг ўзи кифоядир. Корхона ташкил топган — 1974 йилда 170 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бу рақам ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида 698 минг сўмликка етди.

Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилга нисбатан қарийб 1,5 баравар ортди. Бундай ютуқларга комбинат ишчилари, цехларнинг коллективлари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдирилганлиги туфайли эришилмоқда. Цехлар ўртасида ва бошқалар ўртасида социалистик мусобақани ой сайин якунланиб турилади. Ўтган йилнинг ўзидагина С. Холмуҳамедов бошлиқ тикув цехининг коллективи саккиз бор, Т. Вяткин, В. Ҳанукаев бошлиқ 3-цех ва 7-цех коллективлари уч бор социалистик мусобақани ғолиби бўлиб чиқдилар.

Юбилей йили якуни бўйича 20 дан ортиқ ишчи «Ўз касбининг устаси» деган фахрли номга сазовор бўлди. Булар орасида чеварлардан Собир Раҳимов район Совети депутати Р. Камолова, С. Қорабоева, Н. Камолиддинова, коммунист прессчи Ҳ. Даминов, комсомоллардан Д. Зайниддинова, Н. Бойматова, С. Умарова, П. Қодирова ва бошқалар бор. Ана шу илғорларнинг номлари комбинатда ташкил этилган ўнинчи беш йилликнинг меҳнат вахтаси китобига ёзилди. Бу китобга шунингдек, юқорида номлари кўрсатилган цехларнинг коллективлари ҳам ёзилдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби комбинат меҳнат коллективи олдига ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифаларни кўйди. Комбинат меҳнат аҳли биринчилар қатори беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституциясини қабул қилинган кунининг бир йиллигигача бажариш мажбуриятини олди.

Комбинат коллективи 1978 йилда янада юксак марраларни кўзлаган. «Кечаги марра — бугун норма!» Бу ишчиларнинг кундалик шиори бўлиб қолган. Бу йилги социалистик мажбурият ҳам, план ҳам ана шу асосда тузилган. Яъни, йил давомида бир миллион 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Планга қўшимча реализация қилинадиган маҳсулотлар 170 минг сўмни ташкил этади.

**Т. СОБИРОВА.**

● БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЁШ ГВАРДИЯЧИЛАРИ

## ШОГИРД ЭДИ, УСТОЗ БЎЛДИ

Бу қизнинг Тошкент тўқимачилик комбинати биринчи йигирув фабрикасида иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бир йилдирки, у фабриканинг тандайигирув цехида планкачи бўлиб ишлаяпти. Манзура Аъзамова коллективга келган дастлабки кунларидаёқ тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан кўпчиликнинг назарига тушди. Унинг танлаган касбига қизиқиши кундан-кунга ортиб борди. Тўғри, агар киши ўз касбини севмаса, кўнгилдагидек ишлаб кета олмайди. Баъзилар ишда дуч келадиган қийинчиликларга бардош беролмай, ўзининг иродасизлигидан эмас, балки ишнинг «ёмонлиги»дан нолийдилар. Манзура эса, аксинча, планкачилик касбини эгаллашга астойдил киришди. Унга цехнинг ёш ишчиси Муборак Каримбердиева устозлик қилди. Манзура устозининг беминнат ёрдами туфайли уч ойдаёқ мустақил ишлашга ўтди. Бундан ташқари у фабрика жамоат ишларида актив иштирок эта бошлади. Коллективга тез кириширб кетган Манзурани группа комсоргликига сайлашди. У группадаги 36 нафар комсомол-ёш билан ҳамжиҳатликда иш юритди. Меҳнат интизомини яхшилаш, прогулчиликка қарши курашда жонбозлик кўрсатди. Натижада, сменада меҳнат интизомини бузувчилар қолмади.

Дарҳақиқат, М. Аъзамова жонкуяр актив ташкилотчи ҳамдир. У комсомол-ёшларни н г марокли дам олиши, унумли ишлаши учун қулай шароитлар яратиб бериш учун доимо қайғуради. Яқинда унинг ташаббуси билан ёш-ларнинг бир группаси дам олиш кунларини Кумушконда ўтказишди.

Манзура Аъзамова бошлиқ съёмчилар бригадаси коллективи ойлик топшириқларини доимо 105—106 процентга етказиб адо этмоқда. Бригада етакчиси ишлаб чиқаришда илғорлик қилиш билан биргаликда мураббийчилик ҳаракатида ҳам актив қатнашмоқда. Ҳозир Манзура цехга янги келган Матлуба Ҳакимовага ўз касбининг сир-асрорларини пухта ўргатяпти.

**С. ОЧИЛБОЕВА,**
**кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.**

● *Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун*

## ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Қўйлиқ теплица комбинати йил сайин кенгайиб, аҳоли дастурхонига қишин-ёзин мўл помидор, бодринг ҳосили етказиб бермоқда. Ўтган йили бир минг 600 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилган бўлса, беш йилликнинг учинчи йилида 20 гектар майдондаги ойнаванд тагидан 1450 ўрнига 2045 тонна сервитамин ҳосил етиштиришга аҳд қилинган.

500 га яқин мирзакор зиммаларига олинган мажбуриятни бажариш учун участкаларарро мусобақани қизитиб юборишган. Бир томонда эндигина гулга кирган помидор, бодрингнинг парваришни кучайтирилса, бир томонда лоладай қип-қизил помидор, кўм-кўк бодринг ҳосили терилиб, янгилигида шаҳарли к л а р дастурхонига жўнатилади. М. Салимов, В. Чистаков, М. Тўхтаназарова бошлиқ участкаларда ҳосил йиғимтерими, айниқса қизғин. Ҳар куни пойтахтликлар дастурхонига бу участкаларнинг азаматлари 500—600 килограммдан сервитамин сабзавот туҳфа этмоқдалар. М. Тўхтаназарова бошлиқ участка янги йилдан буён давлатга 400 тонна ҳосил ўтказди. Ҳар квадрат метрдан олинган ҳосил 18 ўрнига 20 килограммга етди. М. Салимов бошлиқ участка деҳқонлари эса бу кўрсаткични 25 килограммдан оширишни мўлжаллаяптилар. Ҳар куни 350—400 килограмм ҳосил узилмоқда. 7 та секциядан янги йилдан буён 20 тоннага яқин ҳосил йиғиб олинди.

Ҳосил етказиш борасидаги ўзаро мусобақада Ойша Мадиёрова бошлиқ звено пешқадамлик қиляпти. Ҳар квадрат метрдан 25 килограммдан помидор олишга бел боғланган. Бунинг учун ҳар туп помидорда 7—9 донадан қип-қизил ҳосил етиштирилди. Раъно Бадалова, Санобар Жўрабоева, Мунира Ўринбоева, Салима Абдуллаева каби комсомол-ёшлар бошқаларга намуна бўлишяпти.

Комбинат меҳнат аҳли ҳадемай кунлик маҳсулот топширишни 10—15 тоннага чиқарадилар. Ҳозирда барча секциялардаги ҳосил бирин-кетин пишиб етилмоқда. Айниқса, 3,6 гектар майдондаги тош устида ўстирилаётган помидор текис донга кирган. Гидропоника усулида етиштирилаётган помидордан бу йил 22 килограммдан (бир квадрат метрдан) ҳосил олишга аҳд қилинган. Бу ердан олинган ҳосил ҳам мазали— сервитамин, ҳам таннарҳи арзондир.

Миришкорлар шаҳарликлар дастурхонининг тўкин бўлиши билан бирга, Калинин район хўжаликлари учун сабзавот кўчатлари ҳам етказиб берадилар. Ҳозирда бир миллион 500 минг туп карам, 32 минг дона плёнкали тувақда бодринг кўчати экишга ҳозирлаб қўйилди.

**И. РУСТАМОВ,**
**И. НАҲМИДДИНОВ.**

▲ МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

Пойтахтимизда а г и «Бодомзор» маҳалласида илмий атеистик халқ университети ташкил қилинганига анча бўлди. Яқинда университетнинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бир группа олимлари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, маҳалла аҳли, ишчи-ёшлар ва ўқувчилар қатнашдилар.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли олий умумқўшин командирлари билим юртининг собиқ курсантлари: юридик фанлари доктори И. Жалилов, Р. Қаюмов, шу маҳалларда истиқомат қилувчи Г. Булгановлар Сталинград немис босқинчиларидан қандай ҳимоя қилинганлиги, беомон жанглар вақтида турли миллат вакиллари бўлган совет жангчиларининг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб беришди.

Кеча ташкилотчиларидан бири — фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, фалсафа фанлари кандидати Н. Саидов эса фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган замонавий қурол ва аслаҳалар билан таъминланган Совет Армиясининг ҳозирги кундаги қудрати ҳақида сўзлади.

Халқ университети янгича анъаналарни ҳаётга жорий қилиш, ёшларни кекса авлоднинг жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

**И. ШАРОБИДДИНОВ,**
**фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.**

◆ РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

## НОБОП КЎЧА

Сергели районидаги биз истиқомат қилаётган Чоштепа кўчаси нобоп кўчалардан бирига айланиб қолди. Шу кўчанинг 179-уйдан 207-уйгача бўлган қисми тўрт-беш йилдан буён ўнқир-чўнқир бўлиб ётибди. Қишда лой, ёзда чангдан ўтиб бўлмайди. Район ободонлаштириш бошқармаси кўчамизни асфальтлаб беришни 1974 йилдан буён пайсалга солиб келяпти.

Ҳар бир хонадонда 5—6 нафардан фарзанд бор. Улар боғчага, мактабга боришларида ва қайтганларида лойдан киймларини ифлос қилиб келадилар. Кўчадан кексалар ва болалар ўтиши жуда қийин...

Наҳотки, 300—400 метр келадиган жойни асфальтлаш шунчалик қийин бўлса. Сергели район ижроия комитети раҳбарлари бунга нима дер экан?

**Аҳоли номидан:**
**Э. ҚУШОҚОВ,**
**Т. РАҲИМБЕКОВ,**
**ва бошқалар,**
**жами 12 имзо.**



В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройида 40 дан зиёд турли тўгараклар ишлаб турибди. Уларда шаҳримизнинг юзлаб ўқувчилари ўз севган ҳунарларини ўрганишмоқда.

Айниқса, Асрор Мухторов раҳбарлик қилаётган ганч ўймакорлиги тўгарагининг аъзолари жуда кўп. Тўгарак аъзолари шу кунларда ВЛКСМнинг 60 йиллигига бағишлаб панжарали панно тайёрлашмоқда.

СУРАТДА: ганч ўймакорлиги тўгарагининг бир группа аъзолари.

Ҳ. Шодиев фотоси.

● ЛУҚМА

## ЧАЛКАШ НОМЕРЛАР

Хат-хабарлар, газета-журналлар эса бошқа одамларникига олиб бориб берилади.

Масалан, шу кўчада 21, 5, 3 ва бошқа номерлар икки, уч жойда бор. Бунинг устига бир қатор номери йўқ проездлар ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси Тўқимачи деб номанган.

Ҳўш, бу чалкаш номерларни ким тартибга солади? Илгари Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси бу ишга эътиборсиз қараб келган эди. Балки, энди янги Акмал Икромов район ижроия комитети бунга эътибор берар!

**Л. ҲАМИДОВ,**
**пенсионер.**

## ДЎСТЛАР СОВҒАСИ

Пойтахтимиздаги қурилиш ташкилотлари Иттифоқимиздаги деярли барча республикаларидан бинокорлик материаллари олади. Улар шаҳримиз ҳусниға-ҳусн қўшаётган муҳташам биноларнинг мустаҳкамлигини таъминлаяпти ва кўркамлик бахш этяпти.

Одессадаги «Большевик» заводи «Главташкентстрой»нинг Пардозлаш трестига қарашли 34-қурилиш бошқармасига 2 минг квадрат метр линолеум жўнатди.

Шу кунларда бошқарманинг С. Бозоров ва Е. Афанасьева бошлиқ бўёқчилар бригадаларининг аъзолари линолеумларни жадал суръатларда ётқизишмоқда.

**Б. НОСИРОВ.**

*Газетхон таклиф этади...*

## ТРАНСПОРТ МАРШРУТИ УЗАЙТИРИЛСА

**Биз шаҳримиздаги автобуслар хизматидан фойдаланар эканмиз уларда йўловчиларнинг кам ёки кўплигига ҳам эътибор берамиз. Мана, 54-маршрутдаги автобусни олайлик. Ҳозир бу маршрут «Россия» меҳмонхонаси бекатидан қатнайдиган бўлган. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки «Россия» меҳмонхонаси олдидан қатнаётган 54-автобусда кўпинча йўловчилар жуда кам бўлади. Агарда ана шу маршрутни Навоий театри бекатигача узайтиришса метродан чиққанлар ҳам бу автобус хизматидан тўла фойдаланишган бўлишарди. «Главпассавтотранс» бошқармаси раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.**

**К. НАБИЕВ, В. КАЛИМИНА, ва бошқалар.**

*...танқид қилади*

## ГРАФИККА ҚАЧОН АМАЛ ҚИЛАДИ?

**«Пахтакор» метро станциясида жойлашган автостанциядан жуда кўп машиналар қатнайди. Бу студентлар, ишчилар ва хизматчиларнинг узоқдан яқин қилиб, уларни ишга ва уйга ўз вақтида қатнашларини таъминлайди. Агарда маршрутдаги автобуслар графикка амал қилмасдан йўловчилар хунобини чиқарсачи?**

**Биз ана шундай воқеанинг бир неча гувоҳи бўлдик. Бу 40-маршрутда қатнайдиган автобусдир. 28 февраль куни эрталаб машинани бир соатча кутгандан сўнг Шумилов товар станциясидан «Пахтакор» метро станциясигача бир соатда етиб келдик. Етиб келдик-да куни бўйи чарчаб ишлаган одамдек машинадан ҳолсиз тушдик. Чунки, автобус йўловчилар билан тўлиб кетганлиги сабабли аранг келган эдик. Бу маршрутдаги автобуслар қачон графикка амал қилади?**

**Йўловчилар номидан:**
**Ҳ. ТОЖИМАТОВ.**

## ҚОРОНҒИДА ТУРТИНИБ

**«Марказ—27» кварталидаги биз истиқомат қилаётган 13-уй подъездлари ҳаммавақт зимзиё қоронғи бўлиб ётади. Негаки, ёритгичларнинг ҳаммаси аллақачонлардир куйиб қолган. Бирида патрон йўқ бўлса, иккинчисида ўчираб ёққич йўқ. Уларни алмаштириш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.**

**Бунинг устига 13-уй ёнидаги снмёгоч ёритгичлари ҳам номигагина қўйилган. Қоронғуда бу ердан юрган киши «юрагини ҳовучлаб» ўтади. Бу ҳақда Октябрь район уй-жой бошқармаси раҳбарларига айтавериб чарчадик.**

**Ҳўш, бу аҳвол қачонгача давом этади? Наҳотки, подъездлар ва уйлар олдидаги ёритгичларни ишлатиш шунчалик қийин бўлса?**

**Аҳоли номидан:**
**М. МУҲТОРОВ, хизматчи.**



Дала меҳнаткашларига кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бераётган «Узбекселькашлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи айни кунларда кўплаб сеялкалар ишлаб чиқармоқда. Меҳнат беллашувида пешқадамлик қилаётган ишчилардан бири Гулчеҳра Ниёзқулова смена топшириқларини 130—135 процент адо этиб, коллективнинг бу борадаги ютуғига самарали ҳисса қўшяпти.

СУРАТДА: Г. Ниёзқулова.

А. Жумаев фотоси.

## ҚЎЛБОЛА ТОМОРҚАЛАР

Алижон ака ишдан қайтаётган эди. Уйи яқинига келиб бундай қараса. қўшниси белкуракни олиб ер кавлаб ётибди.

—Ҳорманг қўшни! — денг. Алижон ака тўхтаб.— Нима ҳаракат?

Қўшниси қаддини ростлади.

— Баҳор келиб қолди, озгина редиска сепиб қўйсак болаларга егулик бўлар...

Алижон ака ҳайрон бўлди.

— Йўғ-е! Бу ер болалар ўйнайдиган майдонча-ку!

Қўшниси қўл силтади.

— Нима қипти? Барибир бекор ётибди. Темир-терсак босиб ётгандан кўра кўкариб тургани фойда эмасми?

Алижон ака қўшнисининг қилиғидан ранжиди. Лекин бир нима демади. Негаки у қўшниси ноҳақ эканлигини билар эди. Шунга қарамай болалар ўйнайдиган майдончалар расво бўлиб ётганидан ҳам хабардор эди. Ўтган йили бу ерда баъзи бировлар хоҳлаган экинни экишди. Бошқалар темир сўри ўрнатиб олиб ёз бўйи чойхўрлик қилишди. Болаларнинг ўйнайдиган жойи қолмади.

Медиклар шаҳарчасидаги 9 а, 9 б, 10-уйлар ўртасидаги майдончада бу манзара яна такрорланяпти. Худди шу массивдаги 4 а, 4 б, 6, 7, 8-уйлар ўртасидаги майдончаларнинг аҳволи эса бундан ҳам ҳароб. Бир вақтлар бу ер болалар майдончаси деб аталган эди. Махсус тахта соябонлар ўрнатилиб тагига қум тўкилганди. Ҳозир эса бу ерда на соябон, на қумдан дарак бор. Болаларнинг сирганиб йўнаши учун мўлжалланган нарвоннинг зиналари синиб ётибди.

Бу ерда қурувчилар яхши ният билан ҳовуз бунёд қилишган экан. Аммо ҳовуз бирон марта сув кўрмади. Ҳозир унинг ичида эски калишдан тортиб велосипед гилдирагигача ҳамма нарсани топишингиз мумкин. Шу массивдаги тўққиз қаватли 1-уйнинг ёнида эса болалар майдончасидан ном-нишон қолмади. Майдонча ўрнида алақандай узун-қисқа қувурлардан сув оқиб ҳамма ёқни зах босириб ётибди. Массивдаги 2, 12, 13-уйлар атрофида эса яна қўлбола томорқалар пайдо бўляпти. Бу ҳақда редакцияга шикоят ёзиб юборган газетхон Н. Тошболтаев Собир Раҳимов район ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармасидаги ўртоқлардан нажот сўрабди.

## МУОМАЛА ШИРИН БЎЛСА...

Нон дўконида харидорлар унча кўп эмас эди. Буни қарангки нонниг тури ҳам унчалик кўп эмас.

Ўрта ёшлардаги киши пештахта ёнида турган ёшгина сотувчи қиздан сўради.

— Қизим, дурустроқ нон йўқми?

— Бунинг нимаси ёмон,— деди қиз жеркиб.— Еқмаса кетаверинг, катта кўча!

Нарироқда турган бошқа бир харидор гапга аралашди.

— Бу киши тўғри айтяптилар. Мен бу дўконга деярли ҳар куни кираман. Нима учундир кўпинча сифатсиз, куйиб кетган нонлар олиб келишади.

— Нонни уйимда ёпиб келяпманми? — деди сотувчи баттар тутақиб.— Сиз ҳам хоҳласангиз олинг, хоҳламасангиз катта кўча!

## ҲАМКУЛАСИЗ, КУЯСИЗ

Харидорлар сотувчининг бу муомаласидан қаттиқ ранжишди. 5 февраль куни эрталаб соат тўққизларда бўлган бу муомала кўпчиликни ранжитди.

«Умуман «Рисовая» бекатидаги 83-нон дўконида бундай воқеа тез-тез бўлиб туради, —деб ёзибди газетхон К. Усмонов. —Бу ерда кўпинча сифатсиз нон билан савдо қилишади. Бу ҳам етмагандек сотувчи қиз ҳаммага қўпол муомала қилади. Фамилиясини сўрасак айтмайди, шикоят дафтарини бермайди. Билмадим, унга қандай чора кўриш керак? Ахир халқимизда бугдой нонинг бўлмаса ҳам бугдой сўзинг бўлсин, деган гап бор».

83-дўконни сифатли нон билан таъминлашни, одамларга бундай совуқ муомала қиладиган «фамилиясиз» сотувчига чора кўришни «Ташкентхлеб» бошқармаси раҳбарларига ҳавола қиламиз. Ахир улар 5 февраль куни ўша дўконда ишлаган сотувчини танишар?..

**ҲУШЁРБЕК.**

## ТО Справкалар бюроси

### ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Д. ҲАКИМ О В А: Аёллар ва қиз болалар кўйлагини тикишни қаерда ўрганса бўлади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг Тошкент шаҳридаги 5-техника билим юртига кириб ўқиб, хотин-қизлар ва болаларнинг енгил кўйлакларини, шунингдек хотин-қизлар ва болаларнинг пальтоларини, эркаклар ва болаларнинг пальтоларини тикувчи мутахассис бўлиш мумкин. Билим юртига ўнинчи синфни тугатган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати бир йил, ойига 30 сўм стипендия берилади. Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри — 100, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 53-75-76, 53-73-09.

* * *

**Б. МАЖИДОВ, А. МИРЗАЖОНОВ, Х. МУҲИТДИНОВ: Менинг ёшим элликка яқинлашиб қолди. Шу ёшимда метро поезди машинисти касбини ўргансам бўладими?**

**Жавоб:** Тошкент метрополитени қошидаги 170-техника билим юртида метро хизматидаги бир қатор касблар, жумладан метро поезди ҳамда электропоезд машинисти ёрдамчилари ҳам тайёрланади. Билим юртига 8—10 синф маълумоти бўлган 15—25 ёшлардаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Метро поезди ҳамда электропоезд машинисти ёрдамчиси касбини эгаллаш учун 8-синфни битирганлар 3 йил, 10-синфни битирганлар эса 1,5 йил ўқийди. Ўқувчилар стипендия, ётоқ билан таъминланади.

Билим юртини тамомлаганлар метрода 2—3 йил меҳнат қилиб ўзини кўрсатса, Москва, Ленинград шаҳарларидаги курсларга бориб ўқиб, метро поезди ҳамда электропоезд машинисти бўлиб қайтади.

Билим юртига 8-синф маълумоти билан кирганлар ўрта маълумотга ҳам эга бўлишади.

* * *

**Т. ҲАМИДОВ: Шаҳримизда учувчилар тайёрлайдиган билим юрти борми?**

**Жавоб:** Шаҳримизда учувчилар тайёрлайдиган махсус билим юрти йўқ. Аммо Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг Тошкент аэроклубида учувчилар тайёрлаш курси мавжуд. Унга 10-синф маълумотига эга бўлган 18—23 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинади. Аэроклуб Халқлар дўстлиги проспектидаги 18-уйда жойлашган.

## КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

### ГАИ АХБОРОТИ

Маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тракторчиси 18 ёшли Фахриддин Носиров ишдан сўнг спиртли ичимлик истеъмол қилди. Шундан кейин у 1—40 номерли трактор рулини бошқарди. У қаттиқ маст ҳолда 2-Чимбой кўчасида бораётиб, трактори бошқара олмади, қарши томон йўлга чиқиб қолди ва Н. Иброҳимов бошқариб келаётган ПАЗ—672 маркали 11—06 ТНЗ автобуси билан тўқнашди.

Хайриятки, иккала транспорт ҳам секин юриб келаётган эди, шунинг учун ҳам қоида бузувчи сал-пал лат еди.

Носиров маст ҳолда трактори бошқарганлиги, йўл ҳаракати қоидасини бузганлиги ва авария қилганлиги учун Тошкент шаҳар Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссияси қарори билан ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

*АВВАЛО ИНСОН БЎЛ*

# ЭЪТИҚОД

ҲАММА нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган принцип одамлар қалбидан тобора чуқур ўрин олмоқда. Жамиятимиздаги барча мавжуд нарсалар инсон учун яратилган ва инсон учун хизмат қилаётган экан, биз ҳам ўз навбатида ана шу ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ кишилар бўлишимиз керак.

Яқинда мен бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. 17-шаҳар касалхонасининг невро-хирургия бўлимига миокард инфаркти билан огриган 45 ёшлардаги бир кишини олиб келишди. Беморнинг аҳволи жуда оғир эди. Унинг қанча яшаши юрак фаолиятининг кучига боғлиқ. Касаллик тарихида қайд қилинишича, бемор Оржоникидзе районидаги касалхоналардан бирида «тез ёрдам» машинасини бошқарар экан. У ўша куни эрталаб соат 10 да уйда тўсатдан ўзини ташлаб юборган.

Палатага биринчи бўлиб, бемор ишлайдиган касалхонанинг бош врачи Озода Мирзаева кириб келди. У воқеани эшитгач, хаёлга толди.

— Наҳот олиб қолишнинг иложи бўлмаса, доктор, — деди у конага бошлаб кирган врачга мурожаат қилиб, — Ахир у ҳали жуда ёш-ку.

— Ҳаммасини тушунамиз. Начора, вақт ўтган.

Кечгача беморнинг олдига келувчиларнинг кети узилмади. Улар —қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар, таниш-билишлар эди.

Атрофга қоронғулик тушганди. Биз ташқарида суҳбатлашиб ўтирардик. Касалхона эшигидан кириб келган икки киши ийманибгина бизга яқинлашди. Улар бояги беморнинг аҳволини сўраб-суриштириш д и. Биз улар билан танишдик. Улар беморнинг мактабдош дўстлари — Тошкент районига қарашли «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» қолхозининг аъзоси Салоҳиддин Тўхтаев, Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театрининг артисти Файзулла Аҳмедовлар экан.

Эрталаб ҳовлига чиқаниимда яна ўша йигитларга дуч келдим. Кейин билсам, улар кечаси шу ерда тунашибди. Бу ҳол бир неча кун давом этди. Ана шунда беихтиёр «совет кишилари бир-бирига дўст, ўртоқ ва биродар» деган сўзларни эсладим. Ахир чиндан ҳам мана шу йигитларни бир-бири билан боғлаб турган ана шу дўстлик, биродарлик эмасми? Бемор дўстларини кечалари ҳам ёлғиз ташлаб кетишга кўзи қиймай, тунни тонгга улаган ўша йигитларни беором қилган мана шу ўртоқлик ҳисси эмасми? Ахир бундай сахий қалб, самимий кишилар жамиятимизда озмунчами? Дўстига керак бўлса жонини ҳам фидо қиладиганлар кимми орамизда?

Коммунист Ҳамид Носиров —асбобсозлик заводининг пешқадам ишчиси, «Ҳурмат белгиси» орденининг кавалери. Ўн беш йилдан бери шу корхонада ишлайди. Шу йиллар давомида у бир неча шогирдлар тайёрлади. Уларни меҳнатга сидқидилдан ёндошишни ўргатди.

Ҳамид тўсатдан бошланган оғриқ туфайли касалхонага келтирилди. У ишлаётган кенг истеъмол буюмлари цехининг аъзолари бундан қаттиқ ташвишга тушишди. Тўпланишиб, бир неча бор уни кўргани келишди. Бироқ, негадир Ҳамиднинг дили ёришмасди. Бунинг сабабини кейинроқ билдим. «Энди ишим нима бўлади? Наҳот мусобақадош дўстларимдан орқада қолиб кетсам» деган ўй йигитга тинчлик бермаётган экан. Ана ишга бўлган ҳавас. Ана касбдошларга, қолаверса, корхонага бўлган ҳурмат.

Ҳар сафар дўстлари уни кўргани келганида, йигит хижолат чекар, гўё ўзини айбдордек ҳисобларди. Кўпчилик унинг «дарди»ни тушунди. «Шифо» излаш тадбирини кўришди. Тадбирлар топилди ҳам. Йигитлар ҳар куни бир соатдан Ҳамид ишлаётган станокда ишлашни лозим топишди ва бу нормаларини дўстлари ҳисобига ўтказишга қарор қилишди. Хуллас, Ҳамиднинг йўқлигини билдиришмади. Бундан йигитнинг кўнгли тоғ бўлиб кетди. Дарди ҳам енгиллашди. Кундан-кунга аҳволи яхшиланди. Ахир бу чиндан ҳам ҳақиқий дўстлик эмасми? «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» дейилгани мана шунинг ўзи эмасми?

Бир воқеа сира-сира эсимдан чиқмайди. Бир йиллик бухгалтерлар тайёрлаш курсида ўқирдик. Бирга ўқийдиган Альфия исмли бир қиз тасодиф. туфайли куйиб қолди. Унинг аҳволи оғир эди. Бунинг устига Тошкентда қизнинг ҳеч кими йўқ, ота-оналари Хоразмда яшашарди. Уларни безовта қилгимиз келмади. Бу ҳунук хабарни қари ота-онага етказиб, уларнинг қалбини яралагимиз келмади. Қўлимиздан келганча, ўзимиз ёрдамлашдик. Қизнинг куйиб кетган юз-кўзларини ўз ҳолига келтириш учун врачлар эт сўрашганда, ҳаммамиз бу ишга бажонидил розилик билдирганимиз эсимда. Альфия касалхонада узоқ ётди. Қиз согая бошлагач, унинг уйига хабар қилдик. Ота-она биздан беҳад миннатдор бўлишди.

Яқинда мен асбобсозлик заводида бўлганимда Ҳамид Носиров билан учрашдим. Кўзларидан ўт чақнарди унинг «Дўстларим менинг йўқлигимни билдиришмади. Мен меҳнат қилган бир йигитнинг вафотидан кейин ўтган арзимаган вақт ичида у бутунлай унутиб юборилса, инсофданми? Гарчи унинг ўзи бугун орамизда йўқ бўлса-да, унинг ойласига ёрдам қўлини чўзмаслик одамгарчиликданми?

Шундай қилинди ҳам. Сергейнинг ойласи ўша квартиралардан бирига кўчиб кирди. Унинг хотини қўлига тайёр уйнинг калити тутқазилганда, Людмила бу яхшилик қаршисида лол бўлиб қолди. У бу одамийлик ва олийжаноблики амалда оқлашга киришди. Заводга ишга келди. Бора-бора эри бошқарган станокни бошқарди. Илғорлар сафидан ўрин олди.

Ана ўшанда мана шундай катта коллективда бир-бирига ўзаро ҳурмат, ишонч ва содиқлик ҳиссини уйғотаолган завод маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ибратли ишларига қойил қолгандик.

Атрофингда шундай одамлар борлигини кўриб, ҳамиша қувонасан. Билиб, билмай қилиб қўйган баъзи ишларингдан ҳижолат бўласан. Ўзинг яшаб турган порлоқ жамиятга лойиқ киши бўлишга тиришасан. Бундан ҳам унумли меҳнат қилгинг келади. Коммунизм бунёдкори совет кишиларининг ҳамиша олдинги сафида бўлишга ҳаракат қиласан. Зеро, биз совет кишиларининг бирдан-бир орзуниз мана шу. Келгусига ишонч, одамларга ҳурмат бизнинг эътиқодимиздир.


**М. КОМИЛЖОНОВ.**



Шаҳримизнинг Ҳамза районидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида шу райондаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари турли мутахассисликларини эгаллашмоқда.

СУРАТДА: слесарь-йигувчилар группасининг ўқувчилари «Ташсельмаш» заводи учун деталларни ясашмоқда. Чапдан-ўнгга: 206-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Усмон Қосимов ва 151-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Вадим Андреев.

Р. Альбенов фотоси.



Ушбу суратда Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг янги бинои акс этган. У шаҳримизнинг Энгельс кўчаси ҳуснига кўрк бахш этиб турибди.

● ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ, КАШФИЁТЛАРИ

## ЗИЛЗИЛА ҲАҚИДАГИ ПРОГНОЗ ТАСДИҚЛАНДИ

Сахалин комплекс илмий-тадқиқот институтининг олимлари 1977 йилга берган ҳамма зилзила ҳақидаги прогнозларининг 90 процентти тўғри чиқди. Олимлар бошланишидан уч кун аввал айтган сўнгги зилзила 1978 йилнинг 2 февралида Итуруп оролидан 2000 километр шаркда рўй берди.

Сахалинлик мутахассислар ўтган йил мобайнида олиб борган қизиқарли экспериментнинг дастлабки натижалари шундай бўлди.

Тадқиқотлар чоғида шу нарса маълум бўлдики, зилзиладан олдин махсус пармаланган қудуқлардаги сув юзаси ўзгариб турар экан. Коношил оролида қайд этилган ҳамма сезиларли силкинишлар бошланишидан 3— 7 кун олдин қудуқлардаги сув юзаси пасайганлиги аниқланган. Бевосита силкиниш олдидан бу жараён тезлашади.

Зилзилаларнинг гидрогеодинамик дараҳчилари олимларга ҳозирча ер ости силкинишн вақтини прогноз қилишдагина умидли натижалар берди. Аммо, деди мутахассислар, шу тахлитда зилзила бўладиган жойни ҳам айтиш мумкин. Бунинг учун бир-биридан етарлича йироқлаштирилган бир қанча қудуқларни пармалаш керак. Бу соҳада ишлар олиб борилмоқда. Итуруп оролидан кейин Шикотан оролида ҳам тажриба қудуғини кавлаш мўлжалланмоқда.

## ПОХОЛДА БИТГАН БОДРИНГЛАР

Эстония Фанлар академияси экспериментал биология институти ходимларининг тавсияларини жорий этиш натижасида қишки теплицаларда ҳосил қарийб икки баравар кўпайди. Оддий похол ҳосилини кўпайтирувчи омил бўлиб чиқди.

Қишки теплицаларда сабзавот яхши етилиши учун иссиқлик ва карбонат ангидрид кераклиги ҳаммага маълум. Буларнинг иккаловн ҳам бутанни ёқиш натижасида олинади. Таллин сабзавотчилик совхозининг теплицаларида олимлар ўтказган тадқиқотлар похол чиритиб иссиқликдан ташқари ўсимликда нормал фотосинтез учун етарли миқдорда зарур карбонат ангидрид газини ҳам чиқарар экан. Тупроқ остига прессланган похол тойларини тўшаш таклиф қилинди. Совхозда олимларнинг тавсияларини назарда тутиб, 2500 квадрат метр сахли теплица реконструкция қилинди.

— Похол тўшама устида етиштирилган ҳосил рекорд даражада бўлди,— деди совхознинг бош агрономи В. Лийвак.— Ҳар квадрат метрдан 35 килограммдан қишки бодринг узиб олинди. Шу билан бирга на ёқилғи, на газ сарфланди.

Сабзавот ҳосилдорлигини оширувчи янги метод республика хўжаликларига тавсия қилинди.

(ТАСС).

## ДАМ ОЛИШ САНЪАТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

**Бўш вақт чинакам бойлик бўлиб, эркин ишлаш ва камол топиш учун кенг имкониятлар яратиб беради.**

**К. МАРКС.**

Одамни меҳнат яратган, унинг кейинги равнақи ва ҳар томонлама камолоти ҳам меҳнатга боғлиқ. Меҳнат жамики бойликлар манбаи, инсон сиҳат-саломатлигининг гарови эканлиги барчага аён. Лекин, меҳнат яна ҳордиқнинг бир туридир, деб айтсак, «ақлга зид» фикр вужудга келадики: «Ие! Меҳнат билан ҳордиқ бир-бирига қарама-қарши фаолиятлар-ку!? Меҳнат қилганда киши дам олмайди, дам олганда эса меҳнат қилмайди. Меҳнат— актив, ҳордиқ эса пассив ҳодисалар эмасми?»— деб эътироз билдириши мумкин, оқшомон.

Сирасини айтганда, меҳнат икки турга (жисмоний ва ақлий меҳнат) бўлинади. Коммунистик жамият қуришда ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутни тугатиш ва ҳал қилиш зарур. Шу сабабли фан (фалсафа, экономика, физиология, педагогика, меҳнат гигиенаси ва бошқалар ўша тафовутни бартараф этиш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш, янги шахсни ҳам меҳнат пайтида, ҳам ҳордиқ пайтида тарбиялаш муаммолари билан машғул.

Баъзи кишилар дам олиб ҳордиқ чиқаришни ишдан сўнг ҳеч нарса қилмаслик, ён-бошлаб ётиш деб тушунсалар керак. Ҳолбуки, бундай эмас. Улуғ немис шоири ва мутафаккири И. В. Гёте таъкидлаганидек: «Табиат ўз ҳаракати давомида ҳеч қачон тўхтаб қолмайди ва ҳар қандай фаолиятсизликни жазолайди».

Организмдаги қариш жараёнини ўрганувчи фан — геронтологияда узоқ йиллар давомида янглиш бир назария ҳукм суриб келди. Мазкур назария тарафдори бўлган немис физиологи М. Рубнернинг даъвосича, ҳар бир организмда маълум миқдордаги қувват бўлиб, бу қувват «запаси» қанчалик эрта сарфланса, организм шунчалик тез қарир экан. Тез қаримаслик учун иложи борича кам ҳаракат қилиш керак эмиш.

Агар бу «таълимот»га амал қилингудек бўлса, у ҳолда одамлар узоқ яшаш учун тарихдаги машҳур дангасалар: Абу Таннбал, Обломов, Ҳудоёрхон боқимидаги лаванглар каби ёки Ғ. Ғуломнинг мулла Мажон ялқови сингари ҳаёт кечиришларига тўғри келар эди.

М. Рубнер «таълимоти»га унинг ватандоши. кишиларнинг умрини узайтириш бобида кўп асарлар ёзган олим Гуфеланд бир оғиз сўз билан қақшатгич зарба берган: «Ҳалигача битта ҳам дангаса узоқ умр кўрган эмас», деб ёзганди у.

### Зеболик қоидалари

Рус физиологиясининг асосчиси И. М. Сеченов «актив ҳордиқ» назариясига асос солган олимдир. Жуда кўп тажрибалардан сўнг Сеченов шундай хулосага келади: меҳнат қилиб чарчаган ўнг қўлнинг тўла дам олиши учун чап қўл ишлаб туриши керак экан. Агар иккала қўл тек турса, чарчаган қўлнинг ҳордиғи чиқмас экан.

Замонавий физиология яна шуни исбот этмоқдаки, жисмоний толиқиш билан ақлий толиқишнинг замини бир— марказий нерв системаси фаолиятининг сусайиши мушак тўқималарининг толиқишига монанд бўлади. Бинобарин, актив дам олганда: жисмоний меҳнатдан толиққан киши ақлий меҳнат билан машғул бўлса, яхши ҳордиқ чиқаради. Ёки у асосий меҳнатидан ўзгача бирор иш билан шуғулланса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Шу қондага биноан ақлий меҳнат кишиси бўш вақтида жисмоний меҳнат билан ёинки ақлий меҳнатнинг бошқа бир тури билан шуғулланса. актив дам олган бўлади ва тўла ҳордиқ чиқарали.

Қадимги файласуфлар «ҳаёт — бу ҳаракатдир». деган фикрни айтиб ўтишган. Шундай экан, одамнинг доим ҳаракатда бўлиши унинг ҳаётини таъминлайди. Бу — биринчидан. Иккинчидан, тўла ҳордиқ чиқарилади. Учинчидан. тинмай меҳнат қилганлиги учун инсон шахси юксак камолотга етади. билимдон, ҳар турли ишларни бажара оладиган, ҳафсалали, ақлий теран бўлади.

Мана шу фикрни далиллар билан қувватлашга ҳаракат қиламиз. Масалан. К. Маркс фалсафий в[illegible] ижтисодий асарларини ёзишдан толиққан пайтларида математик м[illegible] салалар ечиш билан машғул бўлган. В. И. Ленин дам олиш кунини ва бўш вақтларини жуда кўнгилли ўтказарди. У ниҳоятда банд бўлишига қарамай, ҳамиша яхши дам ола билар эди. Дам олиш кунлари у «шаҳар шовқинидан нарироққа, Москвадан олисроққа кетайлик», деб турарди. Ёз пайтлари шаҳардан ташқарига чиқиб кетиш, ов қилиш, қўзиқорин териш, чўмилиш, очиқ ҳавода ухлаш каби дам олиш усуллари В. И. Ленининг бир ҳафтагача тетик бўлиб юришига ёрдам берар эди. Доҳий машғулот турини алмаштириб туришга алоҳида аҳамият бериб шундай деб ёзган эди: «...адабиёт ўқишнинг ёки ишнинг алмашиниб туриши — таржимадан адабиёт ўқишга, ёзишдан гимнастикага, жиддий адабиёт ўқишдан баллетристикага ўтиб туриш бениҳоя катта ёрдам беради».

Мирзо Улуғбек бўш вақт топдими— шикорга чиққан. Буюк мунажжим овга шу қадар ишқибоз эканки, илвасин рўйхатини махсус дафтарга ёзиб бораркан.

Академик ёзувчи Ойбек «Навоий гулшани» номли илмий асарида улуғ вазирнинг давлат ишлари ва ижод билан ниҳоятда банд бўлишига қарамай, деҳқончилик билан ҳам машғул бўлганлигини, ерларидан мўл-кўл ҳосил ундириб, унинг бир қисмини навкарларга, сипоҳларга тарқатганлигини, қолган қисмини эса фақирларга улашганлигини қайд қилган эди.

Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий машҳур ёзувчи бўлиб танилганда ҳам Тошкентнинг Самарқанд дарвозаси яқинидаги боғида шафтоли. олма, узум ва тоғолчаларнинг кўп навларини экиб, парвариш қилар, асалари боқар эди.

Ҳинд адиби ва давлат арбоби Рабиндранат Тагор бўш вақтларида жисмоний иш қилишни жуда севган. Жисмоний иш топилмаса у бир неча машғулотни ҳовлисининг у четидан бу четига ташиб тахлаган. Бу иш шу қадар кўп маротаба адо этилганки, ғиштлар худди чиндек силлиқ бўлиб қолган.

**Карим МАҲМУДОВ.**

## Кинотеатр қандай бўлиши керак?

МОСКВАДАГИ Марказий кино уйида ташкил этилган янги кинотеатр биноларининг лойиҳалари кўргазмаси шу саволга жавоб беради.

Шундай қилиб, у қандай бўлиши керак? Турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, кўп минг томошабинга мўлжалланган залли ҳашаматли бино-премьералар кўрсатадиган кинотеатр — энг янги ускуналар ўрнатилган кенг форматли, кўп ва турли экранли, стереофоник овозли кинотеатрлар бўлиши мумкин. Яқин келгусида эса томошабин ўзини янада яхши ҳис қилиши учун ҳушбўй ис, сийрак туман таратиладиган ва бошқа қулайликлар мавжуд кинотеатрлар бўлиши мумкин.

Бир неча кино залларидан иборат марказлар қурилади ва ҳозирнинг ўзида қурилмоқда. Бунда катта премьера залидан ташқари ёш томошабинлар истаган пайтда «Чапаев» ёки «Потёмкин» броненосеци» фильмларини кўришлари ва кино санъати тарихи юзасидан лекциялар эшитишлари учун махсус зал ҳам бўлади.

Марказда стереофильмлар намойиш қилинадиган мўъжазгина зал ҳам бўлиши мумкин. Ҳозирча Москва, Ленинград, Киев, Олмаота, Сочи ва Ялта аҳолиси катта ҳажмдаги киноларни кўриш имкониятига эга. Яқинда Минскда, Ростов ва Одессада ҳам шундай бинолар қурилади. Совет мутахассислари ишлаб чиққан «Стерео-70» системаси пайти келиб мамлакатимизнинг барча кинотеатрларидан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Аммо кинотехника бир жойда тўхтаб қолмайди. Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот кинофото институтида бундан ҳам катта ҳажмдаги кинематография системаси — голографик система устида иш олиб борилмоқда. Бунда асримизнинг ажойиботларидан бири — лазер энг оммавий санъатга ёрдам беради. Тўғри, голографик кино ҳозирча лабораторияларгагина синалмоқда, лекин совет олимлари унинг «калити»ни топганлар.

Бироқ, кўргазмада анча таниш ва қизиқарли янгиликлар ҳам бор. Мисол учун, кинотеатрга телевидение келтирилади. Кино ва телепроекция томошабинларга бир зумнинг ўзида халқаро анжуманлар, спорт мусобақалари ва бошқа муҳим воқеаларни кўриш имкониятини беради. Маълум ёшдаги томошабинларга мўлжалланган кинотеатрларни барпо этиш яна бир янгиликдир. Социологлар томошабинлар орасида ёшлар кўпаяётганлигини аниқлашибди. Бу тушунарлидир; телевидение ривожланган сари кекса ёшдаги томошабинлар ўз уйларидаги қулай кинозални афзал кўрмоқдалар. Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида кинозалларга 19—20 ёшдаги йигит ва қизлар ҳаммадан кўпроқ бораётганлиги аниқланди. Демак, ёшлар кинотеатрларда унча катта бўлмаган концерт ва танца заллари, аттракционлар билан бирга кафе очилса мақсадга мувофиқ бўлади ва ниҳоят, кинокомплексда энг кичкинтой томошабинлар учун ўз программалари ва ўйинларига эга бўлган залларни кўриш кўзда тутилмоқда.

Келажакнинг кинотеатрларини баъзи жойларда бугуннинг ўзида кўриш мумкин: биз эслатиб ўтган хаёлий кинотеатрлардан айримлари ҳозир Минск, Горький, Набережние Челнида ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида қурилган. Турли ташкилотларнинг мутахассислари кинотеатрларни лойиҳалаштириш, қуриш ва техника билан жиҳозлаш масалалари билан боғлиқ проблемаларни ҳамкорликда ҳал этмоқдалар. «Кинотеатр» қандай бўлиши керак?» деган саволга эса бир хилда: у — чиройли, қулай, замонавий. бўлиши керак, деб жавоб бермоқдалар.

**Е. ХОРЕВА,**
**ТАСС мухбири.**
**Москва.**

## Жаҳон оиласи

### КОЛЛЕКТИВНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ВАРШАВА. Мелец шаҳридаги транспорт ускуналари заводида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган «Дромадер» самолётларини кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди. Унинг замонавий конструкцияси ва учишдаги пишиқлик хусусиятлари машинадан экинларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилувчи ҳар хил химикатларни сепиш учун кенг кўламда ва самарали фойдаланишга имкон беради.

Янги самолётнинг яратилиши завод коллективининг техника соҳасидаги яна бир катта ғалабаси ҳисобланади. Тўпланган тажриба Польша авиасозларига «АН— 28» пассажир самолётини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ёрдам беради. Совет Иттифоқи яқинда имзоланган протоколга мувофиқ шу самолётнинг техника ҳужжатларини Польша Халқ Республикасига топширди.

### СЪЕЗД ШАРАФИГА

БЕЛГРАД. Югославия меҳнат коллективларида Югославия Коммунистлар союзининг бўлажак XI съезди шарафига мусобақа кенгаймоқда.

Бордаги кон-металлургия комбинати коллективи бу йил оширилган мажбурият қабул қилди. У 180 минг тонна мис эритади. Замонавий технология жорий этилганлиги ва бир қанча янги объектлар қурилганлиги туфайли юқсак кўрсаткичларга эришилди.

Съезд шарафига, шунингдек «Электронска индустрия» бирлашмаси заводларида, Белград яқинидаги Иво Лола Рибар номли машинасозлик заводида, Зиницк металлургия комбинатида ҳам ишлаб чиқариш мусобақаси давом этмоқда.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЭҲТИЁЖИГА

ГАВАНА. Куба Коммунистик партияси билан ҳукумати меҳнаткашлар сиҳат-саломатлиги тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда. Медицина муассасалари шохобчаларини кенгайтириш учун шу беш йиллик (1976—1980 йиллар) охиригача 200 миллион песо ажратилди. Бу маблағнинг ярми соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун сарфланади. Ҳозирги вақтда Озодлик оролининг турли жойларида 27 та йирик поликлиника қурилмоқда. Пил оширига бориб 4 та янги касалхона дастлабки беморларни қабул қилади.

### УЧ ЙИЛ МОБАЙНИДА...

ҲАНОЙ. Вьетнамнинг Куангнам— Дананг вилояти устида озодлик байроғи ҳилпираб бошлаган тарихий кунга ҳали уч йил ҳам тўлгани йўқ. Бу қисқа муддат ичида илгариги жанг майдонларида портламай қолган 670 мингдан кўп бомба, снаряд ва миналар зарарсизлантирилди, 60 минг гектардан кўпроқ майдон алмашлаб экиш учун тайёрлаб берилди. Вилоят ўз тарихида биринчи марта ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлади.

Куангнам— Данангдаги заводлар ва фабрикалар орасида умумдавлат аҳамиятига молик объектлар, чунончи пластмасса ишлаб чиқарувчи корхоналар, тўқимачилик комбинати, механик конструкциялар заводи ва бошқа кўпгина корхоналар бор. Вилоятнинг ривожланиш истиқболлари катта. Пландя йирик химия комплексларини, кемасозлик заводларини қуриш назарда тутилган.



БОЛГАРИЯ. Родопидаги Рожен чўққисида денгиз сатҳидан 1750 метр баландликда Миллий астрономия обсерсатория (суратда) қурилмоқда. Бу ерда ГДРдаги «Карл Цейс Йена» заводида ясалган диаметри икки метрга тенг кўзгу ўрнатилади.

ТАСС фотохроникаси.

## Ваъдага зид қарор

НЬЮ-ЙОРК. Ташқи ишлар бўйича сенат комиссияси ходимлари штатининг собиқ раҳбари П. Холт «Крисснен исавенс монитор» газетасида эълон қилинган мақоласида АҚШ Исроил, Миср ва Саудия Арабистонига жами 4,8 миллиард долларлик ҳарбий самолётлар сотишга қарор берганлигини танқид қилиб чиқди.

Бу қарор, деб ёзади у, президентнинг қурол-яроғ экспорт қилишни камайтириш ҳақида тарқатган ваъдаларига зиддир.

*Шундай одамлар* БОР БЎЛСИН

# ҚЎНГИЛ ЧАШМАСИ

«Ўқитувчилар оғир революцион мактабдан ўтдилар. Улар очликни ҳам, совуқни ҳам, қашшоқликни ҳам бошдан кечирдилар. Бу улар учун яхши мактаб бўлди. Албатта, бу мактабдан ўтганларнинг кўпчилиги ҳалок бўлиб кетди». Бутуниттифоқ Фанлар академиясининг мухбир аъзоларидан М. И. Калининнинг бу сўзларини кўпдан кечира туриб, умри тарих бир муаллима ёдимга тушди. У киши билан суҳбатлашмоқ мақсадида йўлга отландим.

Кўча бекатидаги оддийгина, бир қаватли бино олдига келганда ён дафтардаги адресга яна кўз югуртирдим: «Тошкент, Куйбишев шоссеси, 139-уй. Азиза Муродхўжаева».

Худди шу уй. Кўк дарвоза тепасидаги тугмачани босиб, эшикни аста очдим. Узун йўлак саҳни кенгина ҳовли ўртасидаги шийпончага бориб тақалган. Атрофга назар ташладим: фаросат билан экилган турфа гуллар, дарахтлар эндигина бўртиб келяпти. Шийпон ёнида мактаб формасидаги рус қизлари муаллимани ўраб олишган. Улар соф ўзбек тилида гаплашишяпти. Онахон худди ўз ниҳолларини меҳр билан парваришлаётган уста боғбон каби улар билан тиллашяпти. Кейин билсак, бу ўқувчилар шу яқиндаги 170-мактабдан экан. Баҳор байрами — 8 март билан собиқ ўқитувчини табриклагани келишибди. Мен ҳам улар даврасига қўшилдим. Ўзимни таништирдим. Онахон уйга таклиф қилдилар.

Хонада ҳамма нарса саранжом-сарин ва шу та. Жавонларда турли китоблар. Кекса ўқитувчи стол тортмасидан сариқ папка олиб, олдимга қўяди. Папка зиёкорнинг салкам қирқ беш йиллик ижодий фаолияти тўғрисида қисқа қилади...

1929 йил. Таълим-тарбия техникумини муваффақиятли тамомлаган Азиза Паркентдаги бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб йўлланма олди. Кундузи кичкинтойларга дарс берса, кечалари катталарга — қишлоқ меҳнаткашларига хатсавод ўргатди. Анча қийинчиликларни ҳам бошидан кечирди.

Азиза опа 1940 йили олий маълумотли бўлди. Унинг тақдири ёш авлод тақдири билан маҳкам боғланди. Ҳар бир авлод камолотини ўз меҳнатининг камолоти деб билди. Бу туйғу уни таълим-тарбия муассасаларида яна ҳам самарали ишлашга чақирди. Тошкент Давлат университетига аспирантурага кирди. «Фурқат поэтик маҳорати» темаси бўйича илмий ишга қўл урди. Афсуски, у энди чинакам ҳаёт йўлини топдим деганда фалокат рўй берди. Узоқ муддат тўшакда ётиб қолди. Лекин ўқсинмади. Николай Островскийни кўз олдига келтирди. Ҳа, қандай кучли иродали инсон эди у. Ногирон бўлса ҳам доимо халқ билан бирга яшади, уларга хизмат қилди.

Ўз касбига меҳр қўйган муаллима яна ёшлар даврасига қайтди. Аввал район мактабларида, сўнг Тошкент МИда, фармацевтика институтида рус группаларида, сўнгги ўн йил давомида эса Тошкентнинг Ҳамза районидаги 170-мактабда рус синфларида ўзбек тилидан дарс берди. Улуғ рус халқи фарзандларини Алишер Навоий, Муқимий, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом каби ўзбек халқининг буюк фарзандлари ижоди билан таништирди. Заҳматкаш онахон — педагог ўз меҳнат фаолияти давомида неча юзлаб талабаларини ўзбек тилида сўзлаш, ёзиш ва ўқишга ўргатди. Ўзбек маданияти ҳазинасини ҳар бир хонадонга олиб кирди.

В. И. Ленин «Бир соатлик яхши дарс — бир асар», деган эди. Азиза Муродхўжаева ўз меҳнат фаолиятида неча минг соат дарс ўтди, буни айта олмаймиз-у, лекин ўқувчилари уни яхши асардек севиб қолдилар, кўнгилларига жо қилдилар. Шунинг учун бўлса керак, яқиндагина ўзлари тантанали вазиятда пенсияга узатган ўқитувчиларига ҳурмат бажо келтириб, бугун ўзлари етиштирган баҳор гулларидан олиб келишибди қизлар.

Дарҳақиқат, ёшларни дўстлик кўпригидан етаклаб, уларга қалб қўри билан зиё таратган онахон — педагог Азиза Муродхўжаева ҳозир пенсияда.

Ўз табаррук умр ёшининг 65-баҳорини қарши олган зиёкор билан самимий хайрлашиб, ташқарига чиқдим. Қайта туриб, А. С. Макаренконинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди: «Педагоглар бизнинг Ватанимизда энг ҳурматли кишилардир». Ҳақиқатан ҳам шундай. Миллионлар қалбига нур, онгига шуур бахш этган, оқу-қорани таниб, катта камолот йўлига бошлаган ҳаёт боғбонлари — ўқитувчиларнинг беминнат, олижаноб меҳнатини ҳар қанча мадҳ этсак арзийди.

Р. ПЎЛАТОВ.

• *Янги топилмалар*

## ОДДИЙ... СЕҲРГАРЛИК

Минскликлар скифларнинг кўргонларидан топилган тилла зебу-зийнатлар, кумуш қадаҳ, бебаҳо бриллиант тўғноғичларни, майда ҳайкаллар ва маскаларни мероқ билан томоша қилмоқдалар... Бу ҳилдаги ноёб хазиналар тўпламига дунёдаги ҳар қандай музей ҳавас қила олади. Лекин экспонатларга қўл тегизиш ман этилган: қўл тегизгинлари улар ғойиб бўлади, ёхуд қўлингиз улардан ҳаводан ўтгандек ўтиб кетади.

Белоруссия ССР Фанлар академиясида очилган тасвирий голография виставкасида шундай сеҳрли мўъжизалар рўй беряпти. Унда москвалик, ленинградлик ва минсклик олимлар оддий ёруғликда кўринадиган голограммаларни намойиш этмоқдалар.

Бу экспозиция совет бадиий голографияси эришган ютуқларни илк бор шундай кенг ва тўла кўрсатяпти. У буюмларнинг ғоят сифатли ҳажмий тасвирларини худди ўзи тургандек ҳосил қилиш имкониятини яққол кўрсатмоқда. Янги метод ноёб санъат асарларини «кўпайтиришга» ҳам имкон беради. Голограммалар олий мактаблар, техникумлар, мактабларда ажойиб кўргазмали қуроллар бўлиб хизмат қила олади.

Оптик голографик методлар ҳисоб техникаси, медицина, приборсозлик ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида қўллаш учун истиқболли.

## РАНГ-БАРАНГ «ЖИГУЛИ»ЛАР

Ранг-баранг «жигули»лар қаторига яна тўрт хил рангдаги: оч жигарранг, зайтун ранг, тиллойи ранг ва қизғиш-заргалдоқ рангдаги машиналар қўшилди. Ярославлдаги «Лакокраска» бирлашмаси бу машиналар учун янги хил бўёқлар тайёрлаб чиқара бошлади.

Волга бўйидаги автомобиллар учун кўпга чидайдиган чиройли эмаллар яратган химиклар бошқа хил ечимлар излашда давом этмоқдалар. Бунда харидорларнинг талаби асосий мўлжал бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг истакларини назарда тутиб ҳар йили «жигули»лар учун икки-уч хил рангдаги бўёқ ишлаб чиқарилмоқда. Айни маҳалда хомаки бўёқни такомиллаштириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Масалан, коррозияга қарши хоссалари орттирилган янги хил хомаки бўёқнинг ўзлаштирилиши автомобилсозларга бўёқнинг сақланишини икки баравар ошириш, автомобиль ташқи кўринишини яхшилаш имконини беради.

Ярославль бирлашмасининг коллективи беш йилликнинг учинчи йилига юксак марраларни мўлжаллаб қўйди. Топшириқдан ташқари 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Давлат Сифат белгиси билан чиқариладиган маҳсулотлар 30 процентга қадар етказилади.

ТАСС мухбири.



Горький автомобиль заводида янги моделдаги ГАЗ—14 «Чайка» енгил автомобилини (суратда) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу машина аввалгиларидан ташқи кўриниши билангина эмас, салонининг безатилиши билан ҳам фарқ қилади. Унинг бошқариш системаси такомиллаштирилган. Двигатели 220 от кучига эга.

ТАСС фотохроникаси.


● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/III да Оққуш кўли, 11/III да Сўғд элининг қоплони.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/III да Келинлар қўзғолони, 11/III да Фарҳод ва Ширин.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/III да Нурхон, 11/III да Ўжарлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/III да Кўзингни каттароқ оч, 11/III да Бедбашара ёхуд Эзоп.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

10 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — Тақдир (катта зал, 17; 20.00).

Равондаги хавфли эшик — (17.30, 19.00). ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (16, 18, 20, 21.30). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда). «ҚОЗОҒИСТОН» (кечқуруни).

Карпат довонлари — «МОСКВА» (17, 20.00). «ВОСТОК» (16, 18.30, 21.00).

Фидойи аёл — «НУКУС» (17, 19; 20.45). «ДРУЖБА» (17, 19, 20.45). «ҚОЗОҒИСТОН» (кечқуруни).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — ҲАМЗА номли (18.30, 21.00).

Тақдир — «ЧАЙКА» (20.30).

11 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — Тақдир (катта зал, 11, 14, 17.30, 20.00).

Равондаги хавфли эшик — «ЧАЙКА» (17.30, 19.00). ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда). «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқуруни).

Карпат довонлари — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00). «ВОСТОК» (10.30, 13.20, 16, 18.30, 21.00).

Фидойи аёл — «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45). «ДРУЖБА» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45). «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқуруни).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тақдир — «ЧАЙКА» (14.30, 20.30.)

ЎРТА ОСИЁ ЛОЙИҲА-МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИДА

Алоқа ускуналари монтажи бўйича алоқа монтажчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАР

ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Машғулотлар — 13 мартдан бошланади.

Ўқиш муддати — 3 ой (бир ой назарий ва икки ой ишлаб чиқариш таълими).

Ўқувчиларга ҳар ойда 57 сўм стипендия берилади ва улар ётоқхона билан таъминланадилар.

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри — 107, Қирқиз кўчаси, 21-уй (2, 33, 54, 50-автобуслар 7, 9, 13, 16-троллейбусларнинг «Волгоградская» кўчаси, бекати). Телефонлар: 77-76-46, 77-64-49.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ХИМИЯ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория катта илмий ходимлари коллоид химия, аналитик химия (фан докторлари ёки кандидатлари).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 77-уй.

СТРАХОВАНИЕЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Э ф 210 серия 202986 номерли бахтсиз ҳодисалар страхованиесидан тузилган шартнома ва Гф 203 серия 261281 номерли транспорт восталари страхованиесидан тузилган шартнома эълон чиққан кундан сўнг беш кун ичида Госстрахнинг Киров район инспекциясига топширилиб алмаштирилиши лозим.

Тошкент Халқ хўжалиги институти томонидан Ҳаджамқулов Баҳодир номига берилган 291770 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузур техника таълими Давлат комитетининг 5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ НИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юртида ҳар йили эркаклар ва болалар костюмини тикувчилар, аёллар ва болалар пальтосини тикувчилар, аёллар ва болалар енгил кўйлакларини тикувчилар ихтисослиги бўйича 1000 га яқин ўқувчи таълим олади.

Ўқиш муддати — 1 йил. Ойига 30 сўм стипендия.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойи ва ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), мактабдан характеристика.

Билим юртида «Уз касбининг устаси», «Биринчи энг яхши маҳсулот» конкурслари ўтказиб борилади.

«Ёш ишчи куни»да ўқувчилар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар билан учрашадилар.

Техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секцияларида машғулотлар мунтазам ўтказиб борилади.

Билим юрти адреси: Тошкент — 100, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 53-36-45, 53-73-09.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ИВАНОИРСОВХОЗСТРОЙ» ТРЕСТИГА

РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасини ўзлаштириш бўйича Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишида ишлаш учун қурилиш касбига эга бўлган ишчилар ва ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Ишга жўнайдиганларга қайтариб олинмайдиган нафақа, йўл ҳаражати, иш жойига бориш учун бепул билет берилади.

Иш жойига келгандан сўнг пул аванси берилади, ёлғиз кишилар ётоқхона, оилаликлар икки йил ичида турар жой билан таъминланадилар.

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, қўшимча коэффициент қўшиб берилади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-ҳона. —Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюросига учрашилсин.




● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

◆ ГТО НИШОНИДАН — ОЛИМПИАДА МЕДАЛИГА

# КАТТА СИНОВ ОЛДИДАН

...Кичик жуссали қизча мураккаб машқларни бажармоқда. Унинг ҳаракатларини диққат билан кузатиб турган тренер охирги элементни яна бир бор такрорлашни маслаҳат берди. Қизча программа бўйича ҳамма элементларни бажарди. Лекин ҳари устидан икки карра айланиб тўшак устига тушишда ўз мувозанатини сақлай олмади. Мана шу элемент бир неча бор такрорланганидан сўнг программа тўлиқ, кўнгилдагидек бажарилди. Машқлардан сўнг, дам олиш вақтида биз ёш гимнастикачининг тренери Галина Королёва билан суҳбатлашдик.

— Лена Пруцева беш йилдан бери мунтазам шуғулланмоқда, — дейди у. — Лена спорт мастерлигига кандидатлик нормасини бажарган. Унинг спорт маҳорати машқ сайин ошиб бормоқда. Ҳозир республика мактаб ўқувчилар терма командасига номзодлардан бири ҳисобланади. У Чирчиқ шаҳридаги 7-мактабнинг 5-синф ўқувчиси. «Ёшлик» спорт аренасининг гимнастикачилар учун ажратилган майдонида машғулотлар олиб борилмоқда. Бу ерга республика терма командасининг барча аъзолари тўпланишган. Тажрибали педагог, Ўзбекистон ўқувчилар терма командасининг катта тренери Борис Таманов гимнастикачи қизларга раҳбарлик қиляпти.

— Ҳар сешанба куни команда аъзолари умумий машғулотларга қатнашиш учун бу ерга йиғилишади, — дейди у. — Улар машқларни такомиллаштиришади, маҳорат сирларини ўрганишади. Командага Чирчиқ, Наманган, Андижон ва тошкентлик гимнастикачи қизлар киритилган. Улар 4-болалар олимпиада резервлари спорт мактабининг ўқувчиси, спорт мастери Т. Осипова, спорт мастерлигига кандидат динамочилар О. Тимофеева ва Е. Дювина, чирчиқлик Г. Ҳакимулина, интернат талабалари С. Данилова ва Э. Ҳасанова, наманганлик Е. Саломова, З. Сон ва опа-сингил Римма ва Зуля Латиповалардир. Ёш гимнастикачиларга З. Кузьмина, В. Кузьмин, Г. Кузнецова, Ю. Шешин ва А. Шапилов каби тажрибали тренерлар устозлик қилишяпти.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Чирчиқ шаҳридаги ихтисослашган 7-мактаб кўп йиллардан бери терма командага етук ва маҳоратли гимнастикачилар етказиб бермоқда.

Гимнастикачиларимиз учун ўтган йил самарали ва зафқли бўлди. Улар мактаб ўқувчиларининг спартакиадасида, иккинчи Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари мусобақаларида қатнашиб яхши натижалар кўрсатишди. Уларнинг энг яхшилари Ўзбекистон ёшлар терма командаси составига киритилди. Олдимизда катта спорт мусобақалари, муҳим имтиҳонлар турибди. Республика чемпионати, кубок учун кураш, «Умид» соврини мусобақалари гимнастикачи қизларимизни шу йил 20—25 октябрда Тошкентда ўтадиган XV Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадасига тайёргарликни синовдан ўтказади. Республика миқёсида бўладиган мусобақаларда ўн уч гимнастикачи иштирок этади. Улардан энг яхши натижа кўрсатган олти киши Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шунинг учун ҳам қизларимиз тинимсиз машқ қилишмоқда.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

● СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

# Соф ҳаво—танга даво

Пиёда юриш одамнинг тана аъзоларини тетиклаштиради. Шу боисдан ҳам мен ҳар куни иккиуч бекат масофани яёв юриб ўтаман. Айниқса эрталаб кўчалар бўйлаб пиёда юришнинг ўзгача гашти бор.

Пиёда юришнинг фойдасига мен узоқ умр кўрган одамлар мисолида тўла ишонч ҳосил қилганман. Ўзи билан кўп суҳбатлашган бўлсам-да, лекин исмини эслаб қололмаган бир кишининг ҳаракатларини кўриб ҳайратланардим. Ёшлари тўқсондан ошиб қолган бўлсалар-да ҳасса таянмасдан юрардилар. У кишига ҳавасим келарди. Бир куни улардан:

— Ота, нега кўп яёв юрасиз, — деб сўрадим.

Шунда улар менга қуйидагича жавоб берган эдилар:

— Кексалик аслида бу бир касаллик. пиёда юриш эса унинг давоси.

Тўғрисини айтганда, ўшанда чолнинг гапига унчалик ишонмаган эдим. Вақт ўтиши билан билимдан қувват, танимдан мадор кета бошлади. Шундагина чолнинг ҳикматли сўзининг мазмунига тушундим. Кўпроқ пиёда юришга одатландим. Ҳозир бардамман, ишим ҳам унумли бўляпти. Эрталаб 10—15 минут соф ҳаводан нафас олиб яёв юриш бутун кун бўйи тетик ва бардам бўлишимга омил бўляпти.

К. ҲОЛМАТОВ.


Редактор С. М. КАРОМАТОВ.



ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

«ФИДОЙИ АЁЛ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРДИ





Сценарий муаллифи — Александр ВОЛОДИН.
Постановкачи-режиссёр — Гавриил ЕГИЗАРОВ.

Ролларда: Галина ПОЛЬСКИХ, Игорь ЛЕДОГОРОВ, Юрий ВАСИЛЬЕВ, Алексей ПЕТРЕНКО, Ирина МАЛЫШЕВА.

Босмахона ишчиси Клавдиянинг ҳаёти анчагина оғир кечди. Ахир эрсиз ёлғиз ўзига икки болани ўстириш осонмас. Аммо бу оддий рус аёли ўзгалар ғам-ғуссасига шерик бўлиш, уларга ёрдам бериш учун доим ўзида куч-ғайрат топа олади. Ва унинг бу эзгулиги ва шижоатига гўё акс садодек аёл қалбидан ҳақиқий, улуғвор ҳис-туйғу — инсон муҳаббати яна жой олади, оғир дақиқаларда унга ёрдам беради.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.


ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

10 МАРТ —ЖУМА

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

17.40 «Ордёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Иссиқ нон». Мультфильм. 18.55 «Ўртоқ Қўшиқ». 19.25 «Келишган йигит». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. Канададан олиб кўрсатилади. 23.30 «Дўстларимиз овози». Эстрада программаси. 24.00 Янгиликлар.

**Ўзбекистон телевидениесининг программаси**

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ишлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 18.30 «Зангори экран» почтаси. 19.00 «Қишлоқ ҳужалик ишлари кундалиги». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Гулчеҳра ер». Лирик концерт. 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.00 «СССР Конституциясининг бир биллигига беш йиллигининг уч йиллик планини бажарамиз». «Риштон керамика заводи». 22.15 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Пионер горнлари янграйди». 19.30 «Инглиз тилида сўзлашишга ўрганинг». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 «Тошкент — Хасково. Дўстлик алоқалари мустаҳкамланмоқда» (рус.). 21.20 Сиртдан ўқитетган студентлар учун. Сиёсий иқтисод (рус.).

11 МАРТ — ШАНБА

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «АБВГДейка». 10.25 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.55 «Тонгги почта». Мусиқали программа. 11.25 «Синов». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.15 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Б. Кустодиев. 12.45 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 13.30 «Спортлото» тиражи. 13.40 Болалар учун. «Минора узра байроқлар». Бадиий фильм. 15.15 «Ҳайвонот оламида». 16.15 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Аёллар. Эркин программа. Канададан олиб кўрсатилади.

17.45 «Бизнинг Москва». 18.30 Янгиликлар. 18.40 Мультфильмлар программаси. «Умка», «Умка дўстини излайди». «Олти кичик пингвин». 19.05 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Жузеппе Верди». Бадиий фильм (Италия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 23.35 СССР халқлари IV қишки спартакиадасида. Свердловскдан олиб кўрсатилади. 00.10 Янгиликлар.

**Ўзбекистон телевидениесининг программаси**

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Чолғу куйларидан концерт. 10.50 «Бир актер театри». Миртемир. «Чанқоқлик». 11.20 «Оналар мактаби». 11.50 «Надежда». Бадиий фильм. 13.25 Самарқанд опера ва балет театрининг солисти Маргарита Аганичева куйлайди (рус.). 13.50 «Қуёшли ўлка манзаралари». Телевизион фильм. 14.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «До-ре-ми-фа-соль». Болалар учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.30 «Ватанпарвар» программаси. 19.00 «Ораста кийинайлик». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Деҳқон ва замон». қишлоқ ҳужалик ходимлари учун программа. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 СССР халқ артисти Ҳанифа Мавлонова куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дала ҳовли». Бадиий фильм. 23.25 Олий лига командалари ўртасида сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Меҳнат» (Тошкент) — «МДУ» (Москва). В. Митрофанов номли сув Спорт саройидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

**Тожикистон телевидениесининг программаси**

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Звездочка». Октябрятлар учун (рус.). 19.05 Болалар учун фильм. 19.35 «Новости» информацион программаси 19.50 Ҳужжатли фильм. 20.00 «Пешқадамлар». 20.30 «Ахбор» информацион программаси.20.45 Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 информацион программаси. 22.00 «Дилкушо» чойхонаси». 22.45 Душанба кўрсатувларининг охири.


Тошкент ресторанлари трести коллективи «Ленинград» ресторанининг директори Маҳмуд Сирожиддинович СИРОЖИДДИНОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар мустаҳкамлиги институти коллективи катта илмий ходим Ф. Алиевга қизи Ирода АЛИЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.





«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—03250.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1257.